# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 23 апрель, № 84 (8146) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# САХОВАТЛИ ҚАШҚАДАРЁ ЗАМИНИ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи, йирик лойиҳалар билан танишиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 21-22 апрель кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.**

Қарши шаҳрида 22 апрель куни халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида йиғилганларни муқаддас Рамазон ойи муносабати билан табриклади. Қашқадарё вилояти мамлакатимиз тараққиётида етакчи ўрин тутишини таъкидлади.

**— Ўтган йили 11 октябрда бўлган сайловолди учрашувида, сизлар билан бирга Қашқадарёни келгуси беш йилда ривожлантириш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш бўйича катта мақсадларни қўйган эдик, — деди Президент. — Кеча Қашқадарёни эрталабдан кечгача айланиб, одамларнинг кўзига қараб, шу режаларимизга одамлар ишоняптими, ўзгаришларни сезяптими, деб эътибор бердим. Буларни ким қилади? Раҳбар қилади — фидойи, халқини севадиган, элни бирлаштирадиган раҳбар. Агар фидойи ҳоким келса, одамлар дарров сезади.**

Давлатимиз раҳбари ҳозирги таҳликали замонда ички имкониятларга таяниш ва улардан самарали ишга солиш зарурлигини таъкидлади.

**— Қаерга уддабурон раҳбар қўйилган бўлса, натижа бўлаяпти. Қашқадарёга, 3 ярим миллиондан кўп аҳолиси бўлган элга раҳбар бўлиш осон эмас. Бундай раҳбар топиш ҳам осон эмас. Қашқадарёнинг ери бой, тупроғи унумдор, одамлари меҳнаткаш. Фақат уларни бирлаштириб, елкадош бўлиб, ҳалол ишлаш керак. Ҳокимни ҳоким қиладиган, уни ишини кўрсатадиган шу халқ. Маҳаллий депутатлар, нуронийлар, умуман, одамлар бефарқ бўлмаса, Қашқадарёнинг қадамлари тезлашади, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Давлатимиз раҳбари 2021 йил ноябрь ойидан буён Қашқадарё вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Азимов Муротжон Бердиалиевич номзодини вилоят ҳокими лавозимига тавсия этди.

М. Азимов 1976 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида туғилган. Бухоро вилояти прокурори, Бош прокурор ўринбосари ва биринчи ўринбосари, Давлат божхона қўмитаси раиси вазифаларида ишлаган.

Халқ депутатлари, меҳнат фахрийлари, хотин-қизлар, ёшлар сўзга чиқиб, номзодни қўллаб-қувватлади. Овозга қўйиш натижаларига кўра, Муротжон Азимов Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда вилоятни комплекс ривожлантириш бўйича асосий йўналиш ва вазифалар муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда вилоятда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили 25 декабрда Ғузор туманида синтетик ёнилғи ишлаб чиқарадиган "Uzbekistan GTL" заводи ишга туширилди. Шўртан газ-кимё мажмуасини кенгайтириш лойиҳаси қурилиши бошланди.

Давлат дастурларига кўра, жорий йилда Қашқадарёга 1,5 триллион сўмдан зиёд маблағлар ажратилиб, жами 2 минг 800 километр муҳандислик-коммуникация тармоқлари, 160 та ижтимоий соҳа объектини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Президент сессиядаги нутқида бундан кейинги вазифаларга, ечимини кутаётган муаммоларга кўпроқ тўхталди.

Мисол учун, вилоят аҳолисининг атиги 43 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. Айниқса, Косон, Деҳқонобод, Ғузор, Қамаши туманларида сув таъминоти жуда паст. Газ, электр, ички йўллар, транспорт, қишлоқ хўжалиги, банк-кредит соҳаларида ҳам муаммолар бор.

Вилоятда 108 та тиббиёт муассасаси, 172 та мактаб, 144 та болалар боғчаси таъмирталаб аҳволда. Кўплаб боғча ва мактабларда иситиш тизими ишдан чиққан. 19 та мактабда қатнов коэффициенти юқори бўлиб, ўқувчи ўринлари етишмайди.

Шу боис жорий йилда Қашқадарёда ижтимоий соҳа ва инфратузилмани яхшилаш учун республика бюджетидан қўшимча 360 миллиард сўм ажратилиши таъкидланди. Шунингдек, халқаро молия институтлари маблағларидан 100 миллион доллар имтиёзли маблағлар йўналтирилади.

Бугунги кунда 350 минг одам ишга муҳтожлиги, янги маҳаллабай тизим асосида уларни тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначиликка жалб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Вилоят улкан саноат салоҳиятига эга бўлса-да, ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат улуши атиги 18 фоиз экани кўрсатиб ўтилди.

Шунинг учун 2022-2023 йилларга мўлжалланган умумий қиймати 14,7 триллион сўм бўлган 270 та саноат лойиҳаси дастури шакллантирилгани маълум қилинди.

Толимаржон иссиқлик электр станцияси қувватини кенгайтириш, Ғузорда қуёш электр станцияси барпо этиш, Деҳқонобод ва Қамашида қурилиш материаллари кластерини ишга тушириш, Китоб туманида цемент заводи ташкил қилиш каби йирик лойиҳалар бошланган.

Куни кеча имзоланган Президент қарорида Қашқадарёдаги тадбиркорлар лойиҳаларини молиялаштиришга 45 миллион доллар йўналтирилиши белгиланган.

Қишлоқ хўжалигида 7,4 триллион сўмлик 524 та лойиҳани амалга ошириб, 286 мингта иш ўрни яратиш мумкинлиги таъкидланди.

Жумладан, 40 минг гектардан ортиқ ерлар қайта фойдаланишга киритилади. 20 минг гектарда анорзорлар барпо қилинади. Яккабоғ, Чироқчи, Қамаши, Шаҳрисабз ва Китоб туманларини сув билан таъминлаш учун "Аёқчисой" сел сув омбори қурилади. Томорқада мева-сабзавот, коврак етиштириш ва чорвачилик қўллаб-қувватланади.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда Қашқадарёда 5 минг хонадонли 143 та кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилади.

1 минг 823 километр ичимлик суви тармоқлари ҳамда 1 минг 570 километр ички йўллар қурилади, 9 мингдан зиёд аҳолининг газ таъминоти қайта тикланади.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида бу йил 30 та маскан қиёфаси яхшиланади.

Мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар, тиббиёт пунктлари қуриш, ёшларнинг вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мутасадди раҳбарлар Президент айтган устувор вазифалар ижросини ташкил этиш юзасидан халқ депутатлари олдида ҳисобот берди.

Давлатимиз раҳбари шаҳар ва туман студияларидаги аҳоли билан суҳбатлашиб, улар билдирган таклифларни қўллаб-қувватлади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги кичик саноат зонасида жойлашган "UzShoes" қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

Маълумки, Қашқадарёда чарм хом ашёси кўп. Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги ташрифи чоғида бу имкониятдан фойдаланиб, чарм маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берган эди. Шундан сўнг ҳудудда 4 та лойиҳа ишга туширилди.

Хусусан, "UzShoes" корхонаси беларуслик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 6 миллион доллар эвазига ташкил этилди. Корхонага Германия, Италия ва Австриядан ускуна ва жиҳозлар келтириб ўрнатилди. 350 та иш ўрни яратилди.

Корхона йилига 500 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугунги кунда эркаклар, аёллар ва болалар учун 10 турдаги чарм пойабзаллар тайёрланмоқда. Сифатли ва чиройли бу маҳсулотлар импорт ўрнини бемалол босади.

Шу билан бирга, Қаршида тикилган пойабзаллар Европа мамлакатларидаги 100 дан ортиқ савдо дўконларида сотилмоқда. Шунингдек, қўшни давлатлар ва Ҳиндистон билан келишувларга эришилган.

Давлатимиз раҳбари пойабзалларни тайёрлаш жараёнини кўздан кечирди, шу ерда ишлаётган хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

Шунингдек, Президент Қарши шаҳрида спорт таълими бўйича тақдимот билан танишди. Спортни ривожлантириш вазири ёшлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича 1 апрель куни ўтказилган йиғилишдаги вазифалар ижроси тўғрисида ҳисобот берди. Мутасаддиларга чет эллик мутахассисларни жалб этиб, селекция ишлари ва ўқув дастурини тўғри шакллантириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**Ўлмас БАРОТОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## М.Б.АЗИМОВНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Муротжон Бердиалиевич Азимов** Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 22 апрель

## ОИЛАВИЙ ШАРОИТИ БОИС ИЛМИЙ ИШИ ЯКУНИГА ЕТМАГАН АЁЛЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

*Тошкент вилояти ҳокимлигида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.*

### Мулоқот

Тегишли бошқарма ва ташкилотлар масъуллари иштирок этган мулоқотда хотин-қизлар муаммоларини тизимли ҳал этиш, намунали хонадонларнинг тадбиркорлик билан боғлиқ тажрибасини кенг тарғиб қилиш ва оилавий шароити боис илмий ишини якунига етказолмаган аёлларга амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилиш давомида вилоятда хотин-қизларга яратилаётган имконият ва шарт-шароитлар, аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳам атрофлича маълумот берилди.

Қайд этилганидек, вилоятда олиб борилган ўрганишлар натижасида 400 дан ортиқ оилалар фарзандлари мактаб ёки боғчага бормасдан, таълимдан узилиб қолаётгани аниқланган. Эътиборлиси, бу ҳолатлар юзасидан тезкор чоралар кўрилиб, эҳтиёжманд оилаларга зарур ёрдам кўрсатилган.

Йиғилишда ижтимоий ёрдамга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш, уларни касбга ёки тадбиркорликка йўналтириш ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва фаоллигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни изчил ташкил этиш, бунда эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор топган ёши улуғ нуронийлар, кайвони аёллар тажрибасидан унумли фойдаланиш яхши самара бериши айтиб ўтилди.

Якунда жойларда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилиб, билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

**Бизнинг йўлимиз**

## ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШГА ҚАРАТИЛГАН СТРАТЕГИЯ

*Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси барча соҳада шиддатли ва жадал ривожланиш кўрсаткичларига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қиладиган дастурий вазифаларни ўзида мужассам этган. Ушбу дастурий ҳужжатнинг биргина иқтисодий йўналишига эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини таъминлаш устувор вазифа қилиб белгиланган.*

### Қайси модель бизга мос тушади?

Бугун дунё мамлакатлари иқтисодий юксалиш йўлида айрим муаммолар билан юзма-юз тургани айни ҳақиқат. Шу боис олимлар муаммолар ечимини топиш учун мақсадли илмий изланишлар олиб бормоқда. Бу жараёнда ялпи ички маҳсулот ўсиши ва унинг омилларидан оқилона фойдаланиш, бандлик даражаси, меҳнат унумдорлигини ошириш асосида ижтимоий масалаларни ҳал этиш, муносиб макроиқтисодий сиёсат дастакларини қўллаш орқали барқарор иқтисодий ўсиш сифатини таъминлашнинг услубий ёндашувларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Агар ривожланган давлатлар иқтисодий ўсишида жадал омиллар ҳиссаси устунлик қилса, ривожланаётган мамлакатларда экстенсив омиллар улуши етакчи ҳисобланади. Шу боис ривожланаётган мамлакатларда интенсив омилларни рағбатлантириш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилади.

4

# ПОЧТА ХИЗМАТЛАРИ ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛАДИ



*Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.*

## Сенат қўмитасида

Унда Сенатнинг йигирма бешинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилиши режалаштирилаётган масалалар дастлабки тарзда муҳокама қилинди. Аввало, янги таҳрирдаги “Почта алоқаси тўғрисида”ги қонунга эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз ҳамда жаҳон почта алоқаси хизматлари бозори ривожланишининг замонавий тенденциялари ушбу соҳадаги қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ва ана шу ҳаётий зарурат туфайли ушбу ҳужжат ишлаб чиқилди. 7 та боб ва 41 та моддадан иборат бўлган қонунни тайёрлаш жараёнида хорижий давлатларнинг почта алоқасини тартибга солиш борасидаги тажрибаларидан кенг фойдаланилди. Масалан, Озарбайжон, Швейцария, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларнинг қонунчилик ҳужжатлари, Умумжаҳон почта иттифоқи актлари ўрганилди.

Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги почта алоқаси соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширадиган махсус ваколатли орган этиб белгиланмоқда. Почта алоқаси соҳасида қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (“Ўзкомназорат”) амалга ошириши кўзда тутилаётир.

Шу билан бирга, хавфли почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатиш хавфини камайтириш, почта ва курьерлик жўнатмаларининг бутлигини таъминлаш билан боғлиқ хавф даражасини камайтириш мақсадида почта хавфсизлигини таъминлаш чоралари бўйича алоҳида нормалар қўшилмоқда. Айни чоғда абонент почта жавонлари кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватларига бу уйлар қурилаётган пайтда қурилиш ташкилотлари томонидан ўрнатилиши, умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатларига мувофиқ белгиланган мажбуриятларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бажариш учун почта алоқаси миллий операторининг мақоми, мутлақ ҳуқуқлари ва функциялари аниқ белгилаб қўйиляпти.

Муҳокамалар жараёнида сенаторлар қонунда баён этилган айрим моддаларнинг амалиётга татбиқ этилиши билан боғлиқ ҳолатларга ҳам урғу қаратди.

Мажлисда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил I чорагидаги ижроси якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди.

Давлат дастури 7 та устувор йўналиш бўйича 100 та мақсад ва 398 та банддан иборат бўлиб, уларда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 318 та қонун, Фармон ва қарорлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Ҳисобот даврида дастур ижросини таъминлаш учун 59 та норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар, жумладан, Президентнинг 12 та ҳужжати, Вазирлар Маҳкамасининг 7 та қарори, 4 та идоравий ҳужжат ва 36 та бошқа ҳужжат қабул қилинган.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# «СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МАРОМИГА ЕТКАЗИЛИШИ КЕРАК

*Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар ва ишчи гуруҳ ўртасида муҳокама қилинмоқда.*



2006 йилда қабул қилинган “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги амалдаги қонун янги солиқ сиёсатини самарали амалга оширишда профессионал институт, шунингдек, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш масалаларида солиқ тўловчиларнинг ишончли ёрдамчиси сифатида етарлича шакллантирилмаган.

Шу сабабли янги таҳрирдаги “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги қонун лойиҳасида солиқ қонунчилигининг ва солиқларни ҳисоблаш механизмларининг ўзгарувчанлиги, бизнес юритишда солиқ маслаҳати хизматига талабнинг ортиб бораётганлиги сабабли солиқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқий мақоми ва нуфузини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси бўйича масъул депутат Руслан Жумамуротовнинг таъкидлашича, қонун барчага тушунарли бўлиши учун матнда кўп ишлатилган сўзлар асосий тушунчаларда очиб берилиши лозим. Шунингдек, “3 йил давомида фаолият юритмаган солиқ маслаҳатчисининг малака сертификати бекор қилиниши керак”, деган норма “ҳомиладорлик ва бола таътили даври бундан мустасно” деган тушунчалар билан тўлдирилиши зарур.

Бундан ташқари, фракциялар таклифи билан малака талабларини енгиллаштириш ва сертификатини қайта расмийлаштириш каби талаблар қонун лойиҳасида ўз аксини топди. Очиқ-ошкора тарзда ташкил этилган ишчи гуруҳ йиғилишларида депутатлар ўз таклифлари билан қатнашиши қонун лойиҳасини маромига етказиш ва барча учун бирдек манфаатли бўлишини таъминлайди.

Янги таҳрир қилинаётган қонуннинг асосий жиҳати шундаки, Президентимизнинг “Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган меъёрлар қонун лойиҳасида акс эттирилмоқда.

Қонун лойиҳасини қабул қилиш тадбиркорлар ва аҳолига сифатли, ишончли солиқ хизматини таклиф этиш имкониятини беради.

## Ёшлар комиссияси:

# МУҲИМ ТАКЛИФ ВА УСТУВОР РЕЖАЛАР

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида янгиланган таркиб билан иш бошлаган Ёшлар комиссияси ўзининг биринчи йиғилишида ёшлар билан ишлашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, уларни янги инновацион лойиҳаларга жалб этиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қонунларга таклиф бериш, олиб борилаётган ислоҳотлардан хабардорлигини ошириш каби вазифаларни бажаришда комиссия олдида турган устувор масалаларни белгилаб олди.*

Ёшлар ўртасида асосий муаммолардан бири сифатида қаралаётган бандлик, муносиб иш ўринлари яратиш ва меҳнатга яраша ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш, касбга ўргатиш, тадбиркорликка йўналтириш, бу борада ёшлар билан ишлаётган ташкилотлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ёшларни қийнаётган муаммоларни бартараф қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича вазифалар иш режасига киритилди. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизга яқин қисмини ташкил этаётган ёшлар масаласи, айниқса, сўнгги йилларда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Уларга юрт келажагини белгиловчи драйверлар сифатида қаралмоқда.

Комиссия бугун ёшлар сиёсати борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг жойлардаги ижроси, ажратилган имтиёзлардан мақсадли фойдаланиш, маҳаллаларда ёшлар етакчиси фаолиятини ўрганиш, янги қабул қилинаётган қонунларга йигит-қизлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таклифлар бериш вазифаларини зиммасига олган.

**Умида РАҲМОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Семинар

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИ ТЕХНИК ТАРТИБГА СОЛИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан “Қурилиш соҳасини техник тартибга солиш борасида амалга оширилаётган ишлар” мавзуида семинар ўтказилди.*

Парламент қуйи палатаси депутатлари, Қурилиш вазирлиги масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда қурилиш соҳасида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қурилиш соҳасини ҳуқуқий ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, мувофиқликни баҳолаш, давлат назорати тизимини такомиллаштириш, соҳа рақобатбардошлигини ошириш, сифат ва хавфсизликни таъминлаш, қурилиш саноати корхоналари фаолиятини экспортга йўналтириш бугунги куннинг муҳим вазифаси бўлиб, унинг ечими илғор мамлакатлар меъёрлаш стандартлаштириш тизимлари ўрганилиши ва мақсадга мувофиқ ҳолда татбиқ этилишини тақозо қилади.

Семинарда ушбу йўналишда Қурилиш вазирлиги тизимида амалга оширилаётган ишлар, соҳадаги мавжуд муаммолар ҳақида сўз юритилди. Хусусан, “2020 — 2023 йилларда шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш дастури” тасдиқланиб, унга асосан жами 263 та норматив ҳужжат қайта кўриб чиқилиши белгилангани қайд этилди. Бу борада 2020 йилда 55, 2021 йилда 65 та норматив қайта ишлаб чиқилган бўлса, 2022 йилда 57 та нормативни қайта ишлаб чиқиш режалаштирилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, “2019 — 2021 йилларда техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури”га мувофиқ Қурилиш вазирлиги томонидан 2019 йилда битта, 2020 йилда иккита махсус техник регламентлар, 2021 йилда бешта умумий техник регламент яратилгани айтилди. Биноларнинг энергия тежамкорлиги, санузеллар, велойўлаклар, йўл чорраҳалари бўйича намунавий лойиҳалар ва норматив талабларга асос солингани маълум қилинди.

Тадбир иштирокчиларининг айтишича, кейинги йилларда мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами кенгайди. Айниқса, кўп қаватли уйлар қурилиб, аҳолининг энг муҳим талаби қондирилмоқда. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 161-банди қурилиш соҳасини техник тартибга солишга оид бўлиб, унинг ижросини таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётир.

Семинарда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартибларини такомиллаштириш, соҳада маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш, қурилиш ишлари сифатини ошириш, шаҳарсозлик фаолиятини рақамлаштириш, соҳани малакали мутахассислар билан тўлдириш бўйича бир қатор таклифлар берилди.

Қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтган тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан соҳада келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ДЕПУТАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛГАН АХБОРОТДАН ҚОНИҚДИМИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамиятининг жисмоний ва юридик шахсларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари борасидаги мурожаатларида кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётганлиги ҳолати юзасидан ахбороти эшитилди.*



## Парламент назорати

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, оқова сув хизматларини яхшилаш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2021 йилда 6 300 километрга яқин ичимлик ва оқова сув тармоқлари тортилди, 474 та сув иншооти қурилиб, 592 та маҳаллада яшовчи 2,5 миллион кишининг сув таъминоти яхшиланди, 1,5 миллион аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларни ўз вақтида кўриш бўйича “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти фаолиятида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Жорий йилнинг ўтган даврида жамиятга 5 минг 528 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг аксарияти белгиланган муддатларда қонун доирасида кўриб чиқилди.

Ахборотда келтирилишича, “Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан мурожаатларда ҳамда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури, Президент раҳбарлигида 2022 йил 8 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳолининг ичимлик суви таъминотини ҳамда оқова сув хизматлари билан қамраб олиш даражасини ошириш юзасидан белгиланган топшириқлар бўйича қатор ишлар бажарилган.

Хусусан, марказлашган ичимлик суви билан қисман таъминланган 3 минг 940 та ва марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган 1 минг 545 та маҳалла фуқаролар йиғинларига ичимлик сувини етказиш юзасидан дастурлар доирасида лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини қарийб 87 фоизга етказиш бўйича лойиҳа таклифи ишлаб чиқилиб, хорижий молия институтларининг 26,6 триллион сўм кредит маблағлари, республика бюджетининг 13,4 триллион сўм маблағлари ҳисобидан 3 минг 697 та иншоот ҳамда 40,5 минг километр ичимлик ва оқова сув тармоқлари қурилиши режалаштирилган.

Инвестиция дастури асосида 2022 йилда умумий қиймати 1 020,0 миллиард сўм бўлган 128 та объект доирасида 2,88 минг километр ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда 150 дона иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Қайд этилганидек, 2022 йилда амалга оширилган ишлар натижасида 1,6 миллиондан зиёд кишилар илк бор ичимлик суви билан таъминланиб, 3,4 миллион нафар аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш ва таъминланганлик даражасини 69,7 фоиздан 74,2 фоизга етказиш белгиланган.

Депутатлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари борасидаги мурожаатлари, сайлов округларида сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган ҳамда ижтимоий тармоқларда муҳокамага сабаб бўлаётган масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, уларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берди.

Тадбирда кун тартибидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## Бунёдкорлик

# «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» ДАҲАСИГА ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛДИ

*Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги “Оқтош ота” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 41,3 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” даҳаси қурилиши учун тамал тоши қўйилди.*

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, фаоллар, бошқармалар ва ташкилотлар раҳбарлари, депутатлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев қишлоқ ҳудудларида аҳолига қулайликлар яратиш, замонавий ижтимоий инфратузилмани шакллантириш мақсадида бугунги кунда бунёдкорлик ишлари жадал суръат касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Жиззахнинг “Янги Ўзбекистон” даҳасида дастлабки 14 та кўп қаватли тураржой бинолари қурилиши учун тегишли ер майдони жорий йилнинг 28 март куни аукцион савдода “BRB GOLD TEAM” МЧЖ томонидан сотиб олинган бўлиб, ҳозирги кунда “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” давлат унитар корхонаси ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий ишлар бошлаб юборилди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# БИР НЕЧА ДИНЛАР ВАКИЛЛАРИ ЎЗАРО АҲИЛЛИКДА ЯШАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ БОШҚА МАМЛАКАТЛАР УЧУН НАМУНА

*Муборак Рамазон ойида мамлакатимизнинг Вашингтондаги элчихонаси томонидан Оқ уй, Давлат департаменти, Мудофаа вазирлиги, Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID), Америка Қўшма Штатларида кенг тарқалган дин ва конфессиялар вакиллари ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг аъзолари иштирокида ифторлик уюштирилди.*

## Дунё нигоҳи



Тадбирда АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси (USCIRF) раиси Надин Маенза, Шимолий Америка Ислом ҳамжамияти собиқ президенти Сайид Саййид, АҚШнинг диний эркинлик соҳасида махсус топшириқлар бўйича собиқ элчиси Дэвид Саперштейн, Глобал фаолият институти (IGE) раҳбари Крис Сипл, АҚШнинг шарқий соҳилидаги энг йирик ислом маркази — «АДАМС» вакили Сайид Моктадир ва бошқалар ҳозир бўлди.

Ифторлик аввалида мамлакатимизнинг АҚШдаги элчиси Жавлон Ваҳобов меҳмонларга мамлакатимизда анъанавий ислом қадриятларини авайлаб асраш ва тарғиб этиш ҳамда Ўзбекистонда диний эркинликларни таъминлаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берди. Халқимизнинг бағрикенглик анъаналари, жумладан, муқаддас Рамазон ойи Ўзбекистондаги барча дин ва конфессиялар вакиллари билан биргаликда ҳурмат ва эҳтиром руҳида кенг нишонланаётгани қайд этилди.

Тарихан кўп миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қиладиган мамлакат бўлган Ўзбекистон бугун ислом ва бошқа динлар бирдек ривожланаётган дунёвий давлат ҳисобланади. Шу боисдан мамлакатимиз раҳбариятининг фикр, эътиқод ва дин эркинлигини ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш, ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойили асосида амалга ошираётган ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси раиси Надин Маенза бир неча кун аввал Ўзбекистонда бўлиб, расмийлар, фуқаролик жамияти вакиллари ва диний етакчилар билан учрашиш имконига эга бўлганини маълум қилди.

— Ўзбекистон сўнгги йилларда қандай ижобий ва сезиларли ўзгаришларга эришганини ҳамда диний эркинлик учун янада очиқ шарт-шароитлар сари интилаётганини кўришдан мамнун бўлдик, — деди комиссия раҳбари. — Диний ташкилотларни рўйхатга олиш, эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича давом этаётган мулоқотлар бизни руҳлантирди. Ўзбекистон ҳукумати билан йўлга қўйилган мулоқот мамлакатнинг ислоҳот ва ўзгаришларни янада илгари суриш йўлида катта мақсадни кўзлаганини кўрсатди. “Декларациялар мулоқоти” халқаро форумида иштирок этиш учун май ойида Ўзбекистонга бўладиган навбатдаги сафаримни интиқлик билан кутмоқдаман.

Шимолий Америка Ислом ҳамжамияти собиқ президенти, доктор Сайид Саййид Ўзбекистон асрлар давомида маърифий ислом марказларидан бири бўлиб келганини, саҳиҳ ҳадислар тўплами муаллифи, ислом илоҳиётчиси Имом Бухорий туғилган маскан эканини қайд этди. У Америка мусулмон жамияти Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларини кенгайтириши зарурлигини таъкидлади. Шу нуқтаи назардан, эксперт АҚШда Мэриленд штатидаги Индонезия Мусулмон жамияти ассоциацияси Ислом маркази ёки Туркия ҳукумати кўмагида ташкил этилган Диёнат марказига ўхшаш Ўзбекистон Ислом марказини ташкил этиш таклифини илгари сурди.

Глобал фаолият институти (IGE) раҳбари К. Зейпл ушбу тадбирга таклиф этилгани учун миннатдорлик билдирар экан, бир неча дин вакиллари ўзаро аҳилликда яшаётган Ўзбекистон тажрибаси бошқа мамлакатларга диний эркинликларни таъминлаш модели сифатида ўрнак бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

— Шу муносабат билан 2022 йил май ойида Глобал фаолият институти Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда “Декларациялар мулоқоти” халқаро форумини ўтказишни мўлжалламоқда, — деди у. — Тадбир дунёга Ўзбекистон мусулмонлар ва насронийлар, биринчи навбатда, руҳонийлар ва имомлар ўртасидаги конфессиялараро мулоқот ўрнатилган давлатнинг намунаси эканини яна бир бор намоён этади. Бундан ташқари, халқаро форум давомида олим ва экспертлар диний саводхонликни ошириш, эътиқод эркинлигини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон ислом меъморчилиги масалаларини ҳам муҳокама қилади.

Диний эркинлик бўйича собиқ махсус элчи Д. Саперштейн “Ўзбекистоннинг бой мусулмон, насроний ва яҳудий тарихи борлигини бир дастурхон атрофига турли динлар вакилларини тўплаган мазкур ифторлик тадбири яна бир бор тасдиқлади. Биз ўзаро ҳамкорлик қилсак ва биргаликда ишласак, эзгуликларни бир-биримиз билан баҳам кўрсак ёрқин ва янги келажакни яратамиз”, деб таъкидлади.

Тадбир доирасидаги ўзаро суҳбат чоғида Америка Қўшма Штатларидаги энг қадимий масжид — “Масжид Муҳаммад” имом-хатиби Толиб Шариф ушбу ифторлик алоҳида ва ғоят муҳим воқеа бўлганини, чунки тадбир муқаддас Рамазон ойида исломнинг инсонпарварликни илгари сурувчи дин эканлигини яна бир бор намоён этганини урғулади. “Кўп асрлик тарихи ислом тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлган Ўзбекистон имом-хатиблари билан учрашишдан жуда мамнун бўлдик. Бундай учрашувлар икки давлат имом-хатиблари ва уламолари ўртасида ўзаро фикр алмашиш имконини бермоқда. Ўзбекистон раҳбариятининг бу йўлда ташлаётган муҳим қадамларини ҳам олқишлашни истар эдим. Ўзбекистон миллатлараро ва динлараро тотувлик гуллабяшнаган дунёвий давлатнинг намунаси бўлиб қолмоқда”, деди у.

Ўз навбатида, етакчи таҳлилий марказ ҳисобланадиган АҚШ Тинчлик институти (USIP) эксперти, Давлат департаментининг диний озчиликлар бўйича собиқ махсус маслаҳатчиси Нокс Темза ҳам Ўзбекистонда диний эркинликларни таъминлаш борасида салмоқли муваффақиятларга эришилганини қайд этди. “Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда қонунчилик, диний ташкилотларни рўйхатга олиш соҳасида жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Бундан атиги беш йил аввал ақл бовар қилмайдиган ишларнинг аксарияти бугунги Ўзбекистонда ҳақиқий воқеликка айланди. Мен эса Ўзбекистоннинг келажакда бундан ҳам юксак муваффақиятларга эришишига ишонаман”, деб таъкидлади сиёсатчи.

**«Дунё» АА.**
Вашингтон



# САЙҚАЛЛАНГАН FAKE NEWS КИМНИНГ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

*Ахборот барча замонларда ҳам энг харидоргир, жамиятда ҳамиша эҳтиёж юқори маҳсулот ҳисобланган. Инкор эта олмаймизки, медиамайдон фақат холис, ҳаққоний ахборотлардан иборат эмас. Айтайлик, "фейк" янгиликлар.*

- *Уни ким тайёрлайди?*
- *Бундай платформаларни ким яратган?*
- *Таҳририятга уйдирма хабарлар тарқатишдан нима наф бор?*
- *Жамиятни ёлғон ахборотлардан қандай халос қилиш мумкин?*

*Бугунги мақоламизда ушбу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.*

**Мушоҳада**

## Бугун ОАВда ҳеч қандай чеклов йўқ, фақат…

Босма журналистика пайдо бўлишидан аввал унинг оғзаки кўринишлари аллақачон мавжуд бўлган. Яъни халқ орасида ахборотларнинг катта қисми овоза қилиш, миш-миш кўринишида улашилган. Шу боис журналистика пайдо бўлибдики, ҳақиқат акс этган ахборотлар билан ёнма-ён уйдирмаларга йўғрилган хабарлар ҳам тарқатилаверади. Афсуски, кишилик жамияти ҳар доим ҳам ҳақиқат қидиравермайди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, сохта, бўрттирилган ахборотлар кетидан қувади. Ўқувчи нима истайди? Ўткир сюжет хоҳлайди. Шу боис нохолисликни касб этган айрим журналистлар ва блогерлар текширилмаган, шубҳали, бироқ эътиборни тортадиган маълумотларни узатишдан ўзини тия олмайди. "Фейк" шунчаки ахборот тури эмас, энг кўп муҳокамаларга сабаб бўлаётган ахборот феноменига айланиб қолганлигининг асосий сабаби ҳам шунда. Ҳақиқий янгиликлардан кўра шов-шувли хабарлар "юқори" туради.

Сохта янгиликларнинг "оҳанрабо"си нимада? Бундай янгиликларда содир бўлган воқеалар таҳлил қилинмайди, аксинча ўйлаб топилади. Бу ўқувчилар аудиториясини "ушлаб туриш" ва кўпайтириш, даҳшатга солиш орқали ҳайратлантириш, бузиб кўрсатиб, "нишонга уриш"нинг энг тубан йўлидир.

Бугун мамлакатимиз, жамиятимиз шиддат билан янгиланмоқда. Шу ўзгаришлар баробарида жамиятимизда сўз ва матбуот эркинлиги таъминланди. Ҳар бир юртдошимиз ўз фикр-мулоҳазасини оммавий ахборот воситалари (ОАВ)да, ижтимоий тармоқларда эркин билдираётгани ёки давлат органлари олдига таклиф ва талабларини бемалол қўя олаётгани — буларнинг барчаси яқин ўтмишимизда ушалмас орзу эди. Шу боис бу имконият қадрини ҳеч бир моддий неъмат билан таққослаб бўлмайди.

Ахборот олиш ва узатишнинг чексиз имкониятлари нафақат ахборот ҳажми ва сифати, балки уни кенг аудиторияга тақдим этиш усулларида ҳам тезкор ривожланиш векторини белгилаб беради. Бутун конвергенция механизмининг асосий ҳаракатлантирувчиси, яъни энг янги ахборот-коммуникация технологиялари, янги гаджетларнинг пайдо бўлиши режалардаги чегаралар ва тўсиқларни олиб ташламоқда. Аввало, уларнинг таъсири журналистикадаги ўзгаришларда намоён бўлмоқда. Бунинг натижасида ОАВ янги ахборот платформалари ва контентни тақдим этишнинг янада технологик усулларини ўзлаштирмоқда.

Тўғри, глобал интеграция жараёнида соҳада ҳали ечимини кутаётган муаммолар оз эмас. Бу айниқса, кўпинча юксак профессионаллик, билим ва малака даражаси етишмаслигида яққол намоён бўлмоқда. Айтмоқчи бўлганимиз, оммавий ахборот воситаларида айрим материалларнинг пухта ва сифатли тайёрланмаслиги, баъзи ҳолларда шошмашошарлик билан, чуқур ўрганилмаган, бўҳтон, "фейк" маълумотларнинг тарқатиб юборилиши сингари ҳоллар ўқувчиларнинг ҳақли эътирозларини келтириб чиқараётгани ҳам сир эмас.

Мана бир мисол. Яқинда норасмий хорижий манбалар Термиз шаҳри атрофида Ўзбекистон ҳарбийлари Афғонистон ҳудудидан ракеталар билан ўққа тутилгани тўғрисида хабарлар тарқатди. Баъзи ўзбек сегментидаги каналларимиз бу ахборот тафсилотларини текширмай туриб, бериб юборди. Кўп ўтмай, бу хабарга расмий раддия эълон қилинди. Провокацияларга берилмаслик сўралди. Бундан икки ой олдин ҳам баъзи хорижий сайт ва "Telegram" каналларда "Толибон" ўзининг 10 мингдан ортиқ аскарини Ўзбекистон чегарасига ташлаётгани ҳақида хабарлар тарқатилган эди. Бу текширилмаган, бўҳтон, нохолис ахборот ҳам мамлакатимиздаги айрим сайтларда кўчириб босилди. Ёки Марказий Осиё ягона энерготизимида авария юз берганида кўплаб тармоқларда "Ўзбекистонда уч кун электр энергияси бўлмайди" сарлавҳали асоссиз ва "фейк" хабар эълон қилинди. Бу денгиздан бир томчи. Айтсак, мисоллар кўп.

Мазкур жараёнларда журналистлар ва блогерлардан нима талаб этилади? Улар конвергент фикрлаши, яъни мантиқий фикрларга таяниши, воқеликни ёки кутилаётган ўзгаришларнинг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиши, таснифлаши, баҳолай олиши, муаммога ҳар доим тўғри ечим қидириб топиши зарур. Чунки медиамайдондаги ахборотлар орқали жамоатчилик фикрини яхши ёки салбий томонга ўзгартиришда журналистик қарашлар муҳим аҳамият касб этади.

Буюк британиялик социолог, оммавий коммуникациялар назариётчиси Девис Беккер қайд этганидек, оммавий ахборот воситалари иқтисодиёт, сиёсат ва технологиялар кесишган нуқтада жойлашган бўлиб, журналистик фаолиятда холислик, тезкорлик, истеъмолчи эҳтиёжларига мутаносиблик, кутилаётган воқеликни прогноз қилиш муҳимдир.

## Очиқликнинг ҳам ўз талаблари бор

Бундан 20 — 30 йиллар муқаддам одамлар янгиликлардан, асосан, газеталар ва телевидение орқали хабардор бўларди. Бугун эса энг янги маълумотлар, сўнгги ахборотлар веб-сайтларда, турли ижтимоий тармоқларда эълон қилиняпти. Анъанавий босма ОАВга рақобатчи тарзда электрон ахборот алмашиш воситалари, мессенжерлар, блогерлик фаолияти кириб келди. Шу сабабли медиамайдон видеоконтентлар билан тобора бойиб бораётир. Ахборотни тақдим этиш учун мультимедиа базасига асосланиб, замонавий медиакомпаниялар ўзларининг таркибларини медиаплатформаларда, масалан, интернет радиоси, онлайн платформадаги газета ёки веб-ТВ форматида кенгроқ тарқатишмоқда. Мультимедиа материалларини ишлаб чиқиш учун турли бўлимлар ва таҳририятлар, бирлашган жамоалар фаолият юритмоқда.

**Албатта, ҳар бир журналистнинг ўз ҳақиқати бор. Ҳақиқат, бу — журналистнинг фикри, воқеликка нуқтаи назари эмас, холислик тамойилларига асосланган ахборотдир. Журналистикада фаолият юритиш қийинлашган даврда яшаяпмиз. Бу жараёнда ҳар бир журналист учун холислик ва бетарафликни асраб қолиш муҳимдир. Зеро, дунёни холис информацияга асосланган ишончли ахборотгина тебрата олиш қудратига эга бўлади. Холислик тамойили, мантиқан фикрлаш қобилияти журналист учун энг муҳим хислат бўлиши керак. Ҳақиқат серқирра, уни очиб бера олиш маҳорати ҳар бир соҳа вакили учун зарурдир. Ахборот йиғиш ва узатишда журналист "Омма нима учун буни билиши керак?", "Бундан кимга нима наф?", деган саволларни ўзига бериши шарт.**



Интернет туфайли айрим жараёнлар осонлашди, баъзилари, аксинча, мураккаблашиб, чигаллашиб кетди. Ҳозирги кунда одамлар ўз ҳаётини ижтимоий тармоқлардаги мулоқот — шарҳлар занжири, статусни мунтазам янгилаш, хабарлар, янгиликлар лентаси, сиёсатга оид гап-сўзлар, рейтинглар ва "лайк"ларсиз тасаввур қилиши қийин.

Шубҳасиз, ижтимоий ахборот воситаларининг ривожланиши кўп афзалликлар берди, одамлар дунёнинг бир чеккасида содир бўлаётган янгиликни бир зумда қўлидаги телефон орқали билиб оляпти. Аммо муаммо шундаки, айрим янгиликлар сайтлари, "Telegram", "Instagram" каналлари тезкорлик кетидан қувиб, нотўғри маълумот ва сохта хабар тарқатишда ўзлари билмаган ҳолда кимларнингдир манфаатларига хизмат қилиб қўйишаётганини англашмяпти. Бу фақат бизга теккан касаллик эмас. Сохта янгиликлар бугун жаҳон глобал тармоғининг ҳақиқий вабосига айланган.

Боз устига, уйдирма хабарлар кўпинча муболағадор, диққатни тортадиган, шов-шувли, драматик мазмундаги сарлавҳалари билан ажралиб туради. Бир қарашда, сохта янгиликлар жуда ишонарли кўринади, аммо матн мазмуни, асосан, ёлғондан иборат бўлади. Бундайлар ижтимоий тармоқларда ҳатто халқ орасида машҳур бўлган санъаткорларнинг "ўлими" ҳақидаги ёлғон хабарларни тарқатиб юборишдан ҳам тортинмаяпти. Ўша санъаткорларнинг яқинлари ва дўстлари бу хабарни ўқигандаги ҳолатини тасаввур қилиб кўринг-а?

Хориж хабарлари, сиёсий шарҳларни тайёрлашда ҳам бир ёқлама, нохолис, чет элнинг норасмий сайтларидан ёки блогларидан олиб, таржима қилинган материаллар қалашиб кетди. Бундай маълумотлар ё қасддан, ёки тажрибасизлик, савиясизликдан тарқатилади. Қайси мақсадни кўзлашидан қатъи назар, улар бирор шахс ёки бирор давлатни обрўсизлантиришга, нуфузига путур етказишга олиб келади, холос. Аслида ёлғон ва нохолис ахборотни тарқатаётганлар бу иши билан баъзи сиёсий марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини англамайди.

Биз ёлғонга тўла дунёда яшаяпмиз. Буни турли тўқималар, тахминлар, "экспертлар" мулоҳазаларини тарқатаётган интернет ресурсларининг кўпайиб кетганлигидан тушуниш мумкин. Айримлар ўзларининг нашри ёки интернет каналининг рейтингини кўтармоқчи бўлса, бошқалар кимларнингдир буюртмасини бажаради. Шундай янгиликларнинг "бунёдкорлари" одамларнинг онгига уларга қулай бўлган ахборотни михлайдилар, аудитория эса хабарларни қайта текшириш, танқидий фикрлаб, уларнинг ёлғон эканлигини фош этишга қийналади. Шу сабабдан ҳар қандай ахборотга кўр-кўрона ишонмасдан, уни текшириб кўриш кўникмасини ҳам ҳосил қилиш лозим.

## Ким ахборотга эга бўлса, ўша ҳукмрон

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, айни пайтда дунёнинг 20 га яқин давлатларида ядро қуроллари ишлаб чиқариш устида иш олиб борилаётган бўлса, ахборот тажовузлари уюштиришнинг турли тизимлари яратилган давлатлар сони 120 дан ошади. Бу ҳам бўлса, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хатарлироқ қуролга айланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир. Кузатувчилар айни пайтда дунёга тарқатилаётган ахборотларнинг катта қисмини йирик давлатларнинг агентликлари тарқатаётганини эътироф этадилар. Бу эса айнан ана шу ташкилотларга эгалик қилувчиларнинг имкониятлари устунлигини, ўзлари хоҳлаган ахборотни ўзларига қулай ва фойдали тарзда тарқатаётганини, шу йўл билан ахборот маконида етакчилик қилаётганларини кўрсатади.

Умуман, кимдаки ахборотни биринчи бўлиб тарқатиш, уни истеъмолчига етказиш имкони бўлса, ўша ҳақ, ўшанинг айтгани тўғри деб қабул қилиняпти. Ана шундай бир шароитда бировлар тайёрлаган ахборотни тарқатишда эҳтиёткорлик, холислик, объектив ёндашувни ёддан чиқармаслик лозим. Бирор-бир давлат ҳақида нохолис ахборот тарқатиш ўша мамлакатнинг прагматик, очиқ сиёсатига соя солиши, мисқоллаб йиғилган нуфузига зарба бериши ҳеч гап эмас. Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати дунё давлатлари билан бирдек дўстона муносабатлар ўрнатишга қаратилганини унутмаслигимиз керак.

Бугунги глобаллашув даврида, айниқса, ғоялар кураши кескин тус олган бир пайтда асосли, ҳаётий, самарали тарғибот ва ташвиқот халқни руҳлантиради, улуғ ва қутлуғ мақсадлар сари илҳомлантиради. Маърифатпарвар адиб Фитрат ўз даврида "Бу дунё кураш майдонидир. Соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон қуролидир", деган эди. Шундай экан, давлатимиз ривожланишида, юртимиз фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг онги ва маънавиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти муҳим ҳисобланади.

Тан олайлик, жамиятимизда очиқлик, тўғри ва холис ахборотни эркин айта олиш, нафақат журналистга, балки жамиятдаги ҳар бир шахсга сўз эркинлиги, ўзининг шахсий фикрини эркин ифодалай олиш имкони берилди. Бугунги кунда ОАВ давлат, халқ учун ҳар доимгидан ҳам кўпроқ кераклигини, жамиятда уларнинг алоҳида ўрни мавжудлигини барча тан олмоқда.

Авваллари бир фикр айтилса, аксарият инсонлар шу фикрга ишонишган, таҳлил қилишмаган, қарши фикр айтилмаган. Ҳозирда эса барча бу фикрга турли ракурслардан қараб, ўз сўзини турли хил кўринишда айта оляпти, ўз таклифларини билдиряпти. Бу орқали одамларнинг дунёқараши ранг-баранглиги намоён бўлаётир. Бу масалага давлат раҳбарининг шахсан ўзи эътибор қаратаётгани соҳага янгича нафас, янгича руҳ олиб кирмоқда.

Давлатимиз раҳбари матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига касб байрами муносабати билан йўллаган табригида "соҳада йиллар давомида эришилган энг яхши ютуқ ва анъаналарни сақлаб қолиш, холислик ва ҳаққонийлик принципларига, қонун талабларига қатъий риоя қилиш, фуқаронинг шаъни ва ғурури, унинг ўз мустақил фикрига эга бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, юксак профессионал маҳорат сизлар учун доимо асосий фаолият мезони бўлиб қолади", дея ишонч билдирган эди.

Албатта, олам воқеаларга тўла. Давлатдан ва тузумдан қатъи назар, ҳар доим қаердадир нимадир содир бўлиб туради. Буни яширишнинг ҳожати йўқ. Собиқ иттифоқ даврида эса ҳатто табиий офатлар ҳам сир тутилди. Лекин бугунга келиб ҳаммаси аён бўлмоқда. Шундай экан, бўлган воқеа ҳақида албатта хабар бериш керак. Фақат уни шарҳлашда бирёқламалик, тарафкашлик каби иллатлардан қочиш лозим. Журналистнинг касб маҳорати айнан шунда кўринади.

## Қандай ахборотни тарқатиш мумкин эмас?

Сўнгги йилларда қонунчиликка ахборот сиёсатини таъминлашда хорижий тажрибаларга таянган ҳолда ёлғон ахборот тарқатишга жавобгарлик, ОАВни қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш борасида бир қатор ўзгартишлар киритилди. Ахборот сиёсати жамиятнинг бошқарувга нисбатан муносабатини кўрсатади. Очиқлик бор жойда ривожланиш бўлади, ОАВ эркин бўлган мамлакат ривожланади.

Бу жараёнларда журналист қандай бўлиши керак? Журналист холис ва виждонли бўлиши, ўзи тарқатаётган ахборотга ҳурмат билан муносабатда бўлиб, ўқувчи, тингловчи ва томошабин олдидаги масъулиятини унутмаслиги зарур.

Қолаверса, сохта ахборот тарқатиш ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг $12^1$-моддаси 2-қисмига мувофиқ веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан, блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни жойлаштиришдан аввал унинг тўғрилигини текшириши, шунингдек жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда уни дарҳол ўчириб ташлаши шарт.

"Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида журналистнинг мажбуриятлари белгиланган бўлиб, ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Келтириб ўтилган нормаларга кўра, маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, кейин эълон қилиш ахборот тарқатувчи ҳар қандай шахс, шу жумладан, журналистлар ва блогерларнинг ҳам асосий мажбуриятларидан бири ҳисобланади.

2020 йил 25 декабрь куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни билан эса ёлғон ахборот тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ёлғон ахборот тарқатишнинг олдини олиш, айниқса, ижтимоий тармоқларда фаолият юритишда холислик мезонларига амал қилиш, инсон қадр-қимматига ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарғиб қилиш, журналистика этикасининг умумий тан олинган қонунларига риоя этилишини таъминлаш, жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш борасидаги бундай ҳуқуқий ислоҳотлар давом этмоқда.



Айни пайтда давлат оммавий ахборот воситалари қаторида хусусий сектор ривожига катта аҳамият қаратиляпти. Бу тенденция ҳам соҳада соғлом рақобат, объектив журналистика муҳитини яратишда қўл келади. Юртимиз қонунчилигидаги янгиланишлар келгусида хусусий ОАВни янада ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Бунинг самарасида журналистик фаолиятнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланади. Ахборот алмашинуви орқали жамият аъзоларининг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлақонли фойдаланиш маданияти оширилади.

## Ягона халоскор — ўзингиз!

Хуллас, ахборотни узатишнинг ўзига яраша масъулияти бор. Расмий ёки ишончли манбага эга бўлмаган ҳар қандай ахборот жавобгарликка сабаб бўлиши мумкинлигини унутмаслик жоиз. Негаки, жаҳон ахборот майдонида арзон-гаров обрў-эътибор топиш, шуҳрат қозониш мақсадини кўзлаган тармоқлар, "агентликлар", "телеграм каналлар" ёмғирдан кейинги қўзиқориндек кўпайиб кетди. Шу билан бирга, инсон онги ва дунёқарашини ўзгартириш мақсадида ғоявий, мафкуравий таъсир ўтказиш, бузғунчи ахборотлар тарқатиш каби ҳолатлар, айниқса, ҳушёрликни талаб этмоқда. Чунки ахборот хуружида инсон онги, миллат руҳияти нишонга олинади. Мазкур ҳолат давлатларнинг барқарорлигига рахна солиб, миллатнинг тарихан шаклланган қадриятлари, унинг ўзига хослиги, миллат ва халқ сифатида яшаб қолишини хавф остига қўяди.

Олдин ҳам кўп айтилган бир фалсафий мулоҳазага эътиборни қаратмоқчиман. Эрамиздан аввалги VI асрда яшаган Хитой файласуфи Сун Цзи қўлланмаларида фитнакор ахборот тарқатишда фойдаланиш мумкин бўлган услублар баён қилинади. Файласуф ғанимни енгиш учун, энг аввало, "душманингиз мамлакатидаги ҳамма яхши нарсаларни паров қилинг, раҳбарлари обрўйини тўкинг, шу мақсадда энг қабиҳ ва разил кишилар билан ҳамкорликдан фойдаланинг, фуқаролари орасида низо ва тўқнашувлар келтириб чиқаринг, ахборот ва шериклар сотиб олиш учун таклиф ва совғаларга сахий бўлинг, ёшларни кексаларга гиж-гижланг, умуман, пулни ҳам, ваъдаларни ҳам аяманг, чунки улар ажойиб натижалар келтиради" деб маслаҳат беради. Биз бугун дунё деб аталмиш улкан саҳнада ана шундай сценарийлар кун сайин сайқалланаётганига, ривожлантирилаётганига, Сун Цзи айтган "совға-саломлар" турли кўринишларда оммавий ахборот воситаларига таклиф қилинаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Демак, дунёда ахборот ўйинлари ҳалигача тинмаётган, аксинча, ҳам шаклан, ҳам мазмунан ривожланаётган экан, миллий ОАВнинг жамият олдидаги масъулияти, жавобгарлиги масаласи энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Бу шуни ҳам кўрсатадики, XXI аср журналистикаси учун айни пайтда катта ёки кичик, аҳамиятли ёки аҳамиятсиз мавзунинг ўзи қолмади.

Албатта, ҳар бир журналистнинг ўз ҳақиқати бор. Ҳақиқат, бу — журналистнинг фикри, воқеликка нуқтаи назари эмас, холислик тамойилларига асосланган ахборотдир. Журналистикада фаолият юритиш қийинлашган даврда яшаяпмиз. Бу жараёнда ҳар бир журналист учун холислик ва бетарафликни асраб қолиш муҳимдир. Зеро, дунёни холис информацияга асосланган ишончли ахборотгина тебрата олиш қудратига эга бўлади. Холислик тамойили, мантиқан фикрлаш қобилияти журналист учун энг муҳим хислат бўлиши керак. Ҳақиқат серқирра, уни очиб бера олиш маҳорати ҳар бир соҳа вакили учун зарурдир. Ахборот йиғиш ва узатишда журналист "Омма нима учун буни билиши керак?", "Бундан кимга нима наф?", деган саволларни ўзига бериши шарт.

Дунёда ягона ахборот макони шаклланиб улгургани, бирор-бир давлат бу макондан ажралган ҳолда яшай олмаслигини инобатга олсак, ўзига хос тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонимиз учун ҳам бу масалалар ўз аҳамиятини йўқотмайди. Шу нуқтаи назардан, матбуот, сайтлар ва электрон ОАВ юртдошларимизни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислоҳотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларидан хабардор қилиш билан бирга Ўзбекистон манфаати ҳар биримиз учун бирламчи эканини доимо англатиб турувчи асосий восита бўлиши керак. Бу эса унинг жамият олдидаги масъулиятини белгиловчи асосий мезондир.

**Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,**
**Қўқон университети ректори,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, доцент.**

**Қарор ва ижро**

*Бугун юртимизда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, доимий ва қўшимча даромад манбаига эга қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш каби мақсадларга қаратилган ҳар қандай саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга бўлган эътибор ҳар доимгидан ортди.*

# «Етти хазинанинг бири» оилаларга даромад келтирмоқда

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 март куни қабул қилинган "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада олиб борилаётган ишларда муҳим дастуриламал бўлаётир. Ҳужжатда ҳар бир ҳудуднинг имконияти ва аҳоли ихтиёридан келиб чиққан ҳолда "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида ишни ташкил этиш вазифаси кўзда тутилган. Бунда маҳаллаларни маълум бир йўналишга йўналтириш орқали аҳоли даромадини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Андижон вилоятида ҳам ҳар бир маҳаллада хатлов ўтказилиб, бу жараёнда фуқароларнинг ички имконияти ва талаб-истаклари инобатга олинди. Натижада уйдан чиқмаган ҳолда даромад ишлаб топиш шароити яратилди. Хусусан, жорий йилда вилоят бўйича 9 минг 571 та хонадонга парранда тарқатиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар 3 та кластер орқали 4 мингта хонадонга паррандалар етказиб берилди. Қўрғонтепа туманидаги "Етти хазина дурдонаси" оилавий корхонаси томонидан шу кунгача Хонобод шаҳри, Қўрғонтепа, Булоқбоши, Хўжаобод ва Жалақудуқ туманларидаги оилаларга 100 минг бош парранда етказиб берилди. Мутахассислар ҳар бир оилада бўлиб, товуқ боқиш технологияси бўйича тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

— Бизга берилган товуқлар 120 кунлик парваришдан чиқарилган, — дейди Қўрғонтепа туманидаги Дардоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Абдураҳим Хўжамбердиев. — Бу давр мобайнида улар корхона томонидан тегишли вакцинациядан ўтказилган. Биз тўрт маҳал озуқасини берсак, кифоя. Паррандалар тухумга киргани боис, илк кунларданоқ даромад топа бошладик. Мисол учун, оиламиз парваришидаги товуқларнинг 80 боши тухумга кирган. Маҳсулотнинг 50 тасини етакчи тадбиркорнинг ўзи сотиб олмоқда. Биз қолган 30 тасини истеъмолга ва ички бозорга йўналтирмоқдамиз. Шунга яраша қўшимча даромад топяпмиз.

— Парранда етказиб берувчи субъектларга тижорат банклари томонидан кредит маблағи ажратилаётгани фаолиятимизни кенгайтиришда қўл келмоқда, — дейди "Етти хазина дурдонаси" оилавий корхонаси раҳбари, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибаси Умидахон Усмонова. — Ушбу маблағларга хориждан наслли парранда тухумини олиб келиш имконига эга бўлмоқдамиз. Тухумни инкубациядан чиқариб, 120 кунлик парваришдан сўнг оилаларга тарқатяпмиз. Бу каби қулай шароит нафақат тадбиркорлик фаолиятимизни шакллантиришга, балки минглаб оилаларнинг қўшимча даромад топишига ҳам хизмат қилаётир.

Пахтаобод туманидаги "Пахтаобод парранда" МЧЖ Нидерландия давлатидан келтирилган зотли товуқларни парваришлай бошлади. Корхона томонидан вилоятдаги 232 та маҳалланинг ҳар биридан 15 тадан хонадонга 110 бошдан товуқ етказиб берилди.

— Товуқларнинг 60 фоизи тухумга кирган, — дейди корхона бош ҳисобчиси Элёрбек Сатторов. — Ушбу кўрсаткич 80 фоизга етгач, олинадиган даромад бемалол кредит маблағи ва озуқа учун сарфланган харажатни қоплайди. Демак, уй эгалари илк кунларданоқ даромад олиш имкониятига эга. Бунинг учун озуқаси вақтида бериб турилса, кифоя.

Парранда парваришлаш ортиқча харажат ва ҳаракат талаб этмаслиги боис аксарият қишлоқ аҳолиси эътиборини тортмоқда. Пахтаобод туманидаги Маданият қишлоғида яшовчи Иззатилло Остонақулов ҳам фойдаланилмай турган эски молхонасини товуқхонага мослаштирди. 110 бош паррандадан ҳар куни 60 та тухум олмоқда.

— Қишлоқ шароитида ишсиз аҳоли кўп, — дейди И. Остонақулов. — Товуқ парваришлаш шу тоифа одамлар учун истиқболли лойиҳа экан. Уй шароитида бу каби даромад топиш ҳатто, доимий иш жойига эга бўлганлар учун ҳам манфаатли. Шахсан ўзимга келсак, бир кунда икки маҳал тухум тераман. 50 тасини етакчи корхона ўзи сотиб олади. Қолган 10 тасини маҳалладаги дўконга элтиб бераман. Ҳисоб-китобга кўра, товуқлар 100 фоиз тухумга киргач, ойига 5 миллион сўмгача даромад қилиш мумкин экан.

Қулай шароит, мавжуд имконият ва озгина ҳаракат туфайли аҳоли ўз-ўзини даромад билан таъминлай бошлади. Бунинг натижасида жорий йилнинг ўзида камида 9,5 мингдан зиёд фуқаролар доимий иш жойига эга бўлади. Бу, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражаси юксалишига хизмат қилади.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШГА ҚАРАТИЛГАН СТРАТЕГИЯ

1 Масалага шу нуқтаи назардан ёндашилса, Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантириш учун аввало, иқтисодий ўсишнинг таркибини интенсив ва экстенсив омилларга бўлган ҳолда таҳлил қилиш, уларнинг ўзаро аҳамиятли улушини аниқлаш ва давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш лозимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Албатта, жаҳон амалиётидан Ўзбекистонда қўллаш учун айни бир давлат тажрибасини тўлалигича тавсия этиш ножоиз бўлади. Сабаби мамлакатнинг минтақавий, иқлимий, ижтимоий, маданий, иқтисодий ўзига хосликларидан келиб чиқиб, стратегик омилларни аниқлаш мумкин.

## Инсон капиталига сармоя

Шубҳасиз, ривожланиш асосида илм-фан, таълим, инновация ва юқори технологиялар, демакки, инсон капитали туради. Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш қай даражада?

Саволга жавоб беришдан олдин, келинг, юртимиз инновацион ривожланиш шартлари ва омиллари кўрсаткичларини жаҳон мезонлари билан таққослаб кўрамиз. Унга кўра, тадқиқот ва ривожланиш харажатларининг (R&D) ЯИМдаги улуши атиги 0,2 фоизни ташкил этади. Бу бошқа мамлакатларга қараганда ўртача 11,8 баробар кам, деганидир.

Ваҳоланки, ҳозирги пайтда инсон капиталига нисбатан қарашлар тубдан кенгайиб, унга қимматбаҳо акция ҳамда даромадлар оқими сифатида қаралмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки инсон капитали иқтисодий ривожланиш билан чамбарчас боғлиқ. Буни дунёга машҳур ҳинд олими, иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти соҳиби (1998 йил) Амартия Сен илмий асослаб берган. Унинг фикрича, ривожланиш жараёни фақат моддий ёки иқтисодий фаровонликнинг ортиши эмас, балки жамиятнинг ҳар бир аъзосига танлов эркинлиги юқорилигини назарда тутадиган шахснинг имкониятларини кенгайтиришдир. Давлат нафақат истеъмол тенглигини, биринчи навбатда, таълим, соғлиқни сақлаш хизматлари, шунингдек, сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари соҳасида тенг ҳуқуқлиликни таъминлаши керак. Бу инсон капиталининг ўсишига хизмат қилади.

## Тараққиётнинг муҳим механизми

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор ва рақобат ҳозирги замон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий механизми бўлиб, бошқа ҳар қандай омилга нисбатан фойдалидир. Бозор самарадорлиги қанчалик юқори бўлса, рақобат ҳам шунчалик фаол бўлади. Натижада рақобат чекланган ресурсларни, технологик ривожланиш ва инновацияларни самарали қайта тақсимлаш, товар, хизматларни яхшироқ танлаш, нархларни пасайтириш ва сифатини яхшилашга, шунингдек, бутун иқтисодиётда самарадорликни ошириш, бизнес ва истеъмолчилар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатишга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, бозор механизмларига ва давлатнинг иқтисодиётга таъсири кўрсаткичларига ўтишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Шундай бўлса-да, **иқтисодиётда давлат улуши юқорилиги сақланиб турибди. Айни шу жиҳат хорижий инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.**

Президентимиз парламентга йўллаган Мурожаатномасида **"Бугунги кунда банк тизимидаги энг муҳим муаммо банклар капиталининг 83 фоизи давлатга тегишли эканлигидир. Бу банк соҳасида соғлом рақобатга тўсқинлик қилади ва кўрсатилаётган хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатади",** дея бекорга айтгани йўқ.

Хўш, нима учун молиявий хизматлар бозорида рақобатни ривожлантириш муҳим?

Аслида рақобат мақсад эмас, балки мақсадга эришиш воситасидир. Асосий мақсад эса истеъмолчини, яъни иқтисодиётнинг реал секторини максимал даражада молиявий ресурслар билан қондиришдан иборат. Аммо амалда бунга эришиш қийин кечмоқда. Давлатимиз раҳбари 2021 йил 20 августда мамлакатимиз тадбиркорлари билан учрашувда куйиниб айтганидек, **"мурожаатларнинг қирқ фоизи бизнесни молиялаштириш ва кредитлаш билан боғлиқ. Уларда асосан кредитлар бўйича юқори фоиз ставкалари қайд этилади, уларнинг аксарияти қисқа муддатларга ва тадбиркорлар учун ноқулай бўлган шартлар асосида берилади"**.

Мана, энди англагандирсиз, молиявий хизматлар бозорида соғлом рақобат қанчалик муҳим эканини?! Рақобат давлат томонидан тартибга солиниши иккита асосий вазифани бажаради. Биринчиси, бозорни монополлаштиришнинг олдини олиб, адолатсиз рақобатни бартараф этса, иккинчиси, давлат монополиялар ҳокимиятини чеклаб, уларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатади.



## Ҳудудларни ривожлантиришга ким масъул?

Ҳар бир давлат иқтисодиётининг умумривожида ҳудудлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу боис Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётни марказдан бошқариш даражасидан ҳудудий ва тармоқ даражасида бошқаришга босқичма-босқич ўтказиш кўзда тутилган. Яъни ҳудудларда тегишли дастурларни амалга ошириш, ҳудудий органлар ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг мақом ва масъулиятини кучайтириш биринчи навбатдаги вазифа этиб белгиланган.

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли бажарилиши ва унинг мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг уйғун фаолиятини ташкил этишни талаб қилади.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама равнақ топтириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли уддалашга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Хусусан, айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифаларнинг декларатив хусусиятга эгалиги, уларни бажаришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифалар такрорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатлари мавжудлиги амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими чиқарилаётган қарорлар ижросига тўсиқ бўлувчи тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни таъминламаяпти. Ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолаш механизмлари фақат ҳолатларни қайд қилиш ва статистик маълумотларни жорий тўплашдан иборат бўлиб, бу кўпчилик ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайди.



Шу билан бирга, давлат функциялари ва ваколатларининг ҳаддан ташқари марказлашгани ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари роли пасайишига олиб келмоқда. Бошқарув жараёнига ишларни режалаштириш ва ташкил қилишнинг замонавий инновацион услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва бу жараённи тезкор кузатиб бориш имконини бермайди. Шунингдек, давлат бошқарувида ортиқча бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга сабаб бўлмоқда. Шу боис стратегияда ҳудудий ривожланишни тартибга солишнинг самарали механизмларини шакллантириш ва такомиллаштириш ҳамда маҳаллий ҳокимлик органлари фаолияти натижадорлигини ошириш муҳим йўналиш сифатида белгиланган.

Маҳаллий даражада аҳолининг табиий кўпайишини, миграция жараёнларини, меҳнат ресурсларини бандлик соҳалари бўйича тақсимлашни, соғлиқни сақлаш, халқ таълимини бошқаришнинг, турли хизматлар истеъмолини, уй-жой қуриш ва аҳолини жойлаштиришни, қурилиш, саноат базасини ривожлантиришни, сув ва электр таъминоти, турли коммуникацияларни тартибга солишнинг таъсирчан механизмини яратиш мумкин. Минтақаларда барча бўғинлар ўртасида ўзаро алоқалар ва боғлиқликларнинг ўсиши, демографик ва ижтимоий ривожланиш, аҳолини жойлаштириш ва инфратузилма тизимини шакллантириш, атроф-муҳитни тартибга солиш зарурати бошқаришнинг маълум жиҳатларини марказлаштиришни тақозо этади.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ҳозирги кунда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга, хусусий секторни равнақ топтириш устуворлигига, кичик тадбиркорлик ва фермер хўжаликларига эътиборни кучайтиришга, банк-молия тизимини такомиллаштиришга, янги солиқ тизимини яратиш ва бошқаларга қаратилган.

Шундай қилиб, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиёт рақобатбардошлигини кучайтириш, минтақалардаги хом ашё базаси ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўлларини белгилаш, йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштириш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммоларини ечиш каби вазифалар мамлакатимизда минтақаларни мажмуали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтирмоқда.

## Фонд бозорининг роли

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида асосий урғу молия секторини ривожлантиришга қаратилмоқда. Негаки, иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш учун давлат улушини камайтириш, асосан, фонд бозори орқали амалга оширилади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушлар (акциялар)ни, шу жумладан, фонд биржаси орқали хусусийлаштириш ва давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш ва фонд бозорига тааллуқли бошқа тадбирларни амалга ошириш орқали иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Бу шундан далолат берадики, республикамиз инвестиция сиёсатининг бош мақсади сифатида фонд бозори савдоларини фаоллаштириш ва молия секторига инвестициявий воситачи саналган инвестиция фондлари орқали аҳоли жамғармаларини жалб этиш имконини кенгайтиради.



Маълумот ўрнида айтиш кераки, дунё бўйича 2004 — 2020 йиллар давомида инвестиция фондларининг соф активлари қиймати 16,2 триллион доллардан 63,1 триллион долларгача, бошқача айтганда, деярли 3,9 баробар ошган. Масалан, АҚШда бундай фондларнинг соф активлари қиймати мамлакат ялпи ички маҳсулотидан ҳам кўпдир. Бундан англашиладики, республикамиз молия тизими таркибида инвестициявий воситачилар сифатида инвестиция фонди фаолиятини такомиллаштириш бугунги давр талабидир.

Иқтисодиёт тараққий этиб бориши билан молия тизими, унинг соҳа ва бўғинлари, молиявий муносабатлар мазмуни ҳам такомиллашиб боради. Аммо мамлакатимизда инвестиция фондлари фаолиятини ўрганиш, асосан, молия бозори ва унинг ривожланиш қонуниятлари тадқиқи билан чегараланиб қолган. Миллий иқтисодиёт ривожида инвестиция фондлари молиясининг тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганиш нафақат иқтисодиёт таркибида молиявий секторнинг улушини оширади, балки капитал (фонд) бозорини ривожлантириш орқали ундан "хуфиёна иқтисодиёт" салмоғини иқтисодий усулларни ишлатган ҳолда қисқартиришга қаратилган бозор иқтисодиёти дастакларидан бири сифатида ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Бунинг учун Ўзбекистонда капитал бозорининг аҳамиятини ошириб, фонд бозори инструментлари ёрдамида пул маблағлари ҳаракатини фаоллаштириш зарур. Натижада инвестиция фондлари ёрдамида инвесторлар ёки ҳар қандай фаолият туридан олинадиган даромадлар шаффофлиги юзага келади, мулк эгаларининг бойликлари легаллашади ва бу орқали солиққа тортиш базасини аниқлашдаги мунозарали вазиятлар ҳам камаяди.

Инвестиция фондларининг иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги фаолиятида молиявий менежмент асослари шундай ташкил этилиши лозимки, бунинг натижасида улар мавжуд маблағлари билан соф активлар қийматини ошириш бўйича юқори натижаларга эришишни таъминловчи кучли дастакка эга бўлади. Буларнинг ҳаммаси иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитида инвестиция фондлари фаолиятига мос келувчи молиявий менежмент асосларини кенг жорий этиш ва такомиллаштириш зарурлигини тасдиқлайди.

Инсон қадрини улуғлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган стратегия Янги Ўзбекистон тараққиётининг иккинчи босқичига йўл очди.

**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,**
**академик.**

---

### Ҳамкорлик

## ФИНЛЯНДИЯ ЭЛЧИСИ ҚЎҚОН УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАЛАРИГА МАҲОРАТ ДАРСИ ЎТДИ

*Қўқон университетига Финляндиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Илкка Раисанен ташриф буюрди.*

*Меҳмон дастлаб университет кампуси, хусусан, "Book cafe", "Gift shop", янги бунёд этилаётган туризм факультети биноси, "Students Hostel" билан танишди.*

Шундан сўнг элчининг олий таълим муассасаси жамоаси, бу ерда фаолият юритаётган финляндиялик ўқитувчи Наджа Голубенко ҳамда талабалар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Қўқон университети ректори Шерзод Мустафоқулов жорий йилда Ўзбекистон ва Финляндия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлганлигини эътироф этар экан, бу вақт ичида икки мамлакат ўртасида савдо, транспорт ва логистика, ахборот-коммуникация технологиялари, туризм, илмий-техник ҳамда таълим каби устувор йўналишларда ҳамкорлик самарали давом этаётганини таъкидлади.

Учрашувда ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, Қўқон университети ва Карелия амалий фанлар университети ўртасидаги ҳамкорлик натижалари ҳамда истиқболлари, алмашинув дастурлари доирасидаги амалий ишларга эътибор қаратилди.

Илкка Раисанен "Ўзбекистон — Финляндия: сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ривожи" мавзуида маъруза қилди. Финляндия Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни доимий қўллаб-қувватлашини қайд этаркан, келгусида ҳам мамлакатларимиз ўртасида, айниқса, таълим соҳасида янада истиқболли ҳамкорлик кенгайишига ишонч билдирди.

Айниқса, элчи иштирокида ўтказилган маҳорат дарси талаба-ёшлар томонидан катта қизиқиш билан тингланди.

Ташриф доирасида Финляндия элчиси Қўқон университети Ахборот-кутубхона маркази биносининг очилиш маросимида қатнашди. Меҳмонлар марказ фаолияти билан яқиндан танишди. Қўқон университети талабалари ва Хўқанди латиф ёшлари учун очиқ макон концепцияси асосида фаолият юритадиган мазкур зиё масканида яратилган шарт-шароитлар ва таклиф этилаётган хизматлар меҳмонларга манзур бўлди.

Шундан сўнг меҳмонлар учун "Меҳригиё" соғломлаштириш масканининг "Лаванда" боғига ва "Худоёрхон ўрдаси" тарихий музейига саёҳат ташкил қилинди.

**«Халқ сўзи».**

---

**23 апрель — Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни**

# ИДРОК БИЛАН ЯРАЛГАН МУЛК

*Муаллифлик ҳуқуқи — ғоя (фикр) ёки маълумотларнинг маълум бир кўринишдаги ифодаланишини тартибга солувчи эксклюзив ҳуқуқлар мажмуидир. Қонунчиликка асосан, муаллифлик ҳуқуқининг объекти сифатида ахборот кўринишидаги ҳар қандай фан, адабиёт ва санъат асарлари ҳимояга олинган.*

Республикамизда муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонун 1996 йилда қабул қилинган, соҳага оид халқаро конвенцияларга аъзо бўлишимиз туфайли қонун 2006 йилда янги таҳрирда мустаҳкамланди.

1996 йил 22-23 апрель кунлари 300 дан ортиқ вакилларимиз иштирокида ЮНЕСКОнинг Париж шаҳридаги бош қароргоҳида "Амир Темур ва темурийларнинг инсоният цивилизацияга қўшган ҳиссаси" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг якунида ЮНЕСКО томонидан 23 апрель — Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни, деб эълон қилинди. Шу сабабли ҳар йили ушбу сана дунё жамоатчилиги томонидан байрам сифатида нишонланиб келинади.

Бугунги кунда интеллектуал мулкнинг таркибий қисми сифатида муаллифлик ҳуқуқи ҳамда турдош ҳуқуқлар билан ҳимоя қилинадиган барча асар ва бошқа объектлар соҳалар бўйича 10 дан ортиқ халқаро конвенция ва универсал шартномалар билан муҳофазага олинган. Бу халқаро ҳужжатларни Женева шаҳрида жойлашган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ), ЮНЕСКО маъмурий бошқаруви амалга оширади.

БИМТ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимида бўлиб, у 1970 йил 26 апрелдан расман фаолият юритмоқда. Ташкилотга 1974 йилда ҳукуматлараро халқаро ташкилот мақоми берилган. Шунга кўра, 26 апрель — Халқаро интеллектуал мулк куни сифатида ҳар йили кенг нишонлаб келинади. Мамлакатимиз 1991 йилдан мазкур ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир.

Ўзбекистон ҳам интеллектуал мулк қонунчилигини такомиллаштиришда катта босқични босиб ўтди. Мустақиллик йилларида интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида 10 та давлатлараро, 12 та ҳукуматлараро ва 21 та идоралараро шартнома ҳамда битимлар тузилиб, амал қилмоқда. Булардан ташқари, тўғридан-тўғри ишлайдиган 5 та қонун, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган умуммажбурий характердаги 25 та ҳужжат, ҳаммаси бўлиб идора фаолиятини тартибга соладиган 140 дан зиёд норматив ҳужжатлар рўйхатга олинган.

Муаллифлик ҳуқуқи нафақат бир мамлакат ҳудудида, балки у бутун дунёда бир хилда ҳимоя қилинади, шунинг учун ҳам халқаро конвенциялар қабул қилинган.

Жумладан, 2005 йил 19 апрелдан бошлаб Ўзбекистонда "Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Берн конвенцияси нормалари қўллана бошланди. Конвенцияга асосан республикамиз муаллифлари ва уларнинг меросхўрлари ҳуқуқлари бутун дунёда бир хилда муҳофазага олинган.

Ўзбекистон аъзо бўлган муаллифлик ҳуқуқига оид яна бир ҳужжат — "Фонограмма тайёрловчиларнинг манфаатларини уларнинг фонограммаларининг ноқонуний такрорланишидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Женева конвенциясидир (Женева, 1971 йил 29 октябрь). Унга қўшилган давлат исталган аъзо мамлакат фуқароси бўлган фонограмма тайёрловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мажбуриятини зиммасига олади. Ҳуқуқий ҳимоя чоралари сирасига тайёрловчининг розилигисиз фонограммадан нусха кўчиришни ва бу нусхаларни тарқатиш учун олиб киришни, шунингдек, бевосита умумжамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш учун тарқатишни тақиқлаш кабилар киради.

Кейинги йилларда мамлакатимизда муаллифлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, уларнинг мулкий ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 февралдаги "Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида интеллектуал мулкнинг самарали ҳимоясини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди.



Сирожиддин ВОҲИДОВ олган сурат.

Адлия вазирлиги интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасини ифодаловчи ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Бугунги кунда муаллифлар ва турдош ҳуқуқлар субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёки мулкий ҳуқуқларини бошқариш мақсадида қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари тузилган.

Фуқаролик кодекси такомиллаштирилаётган даврда ушбу кодексдаги интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ нормалар ва соҳага оид ўндан ортиқ қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жамлаб, алоҳида "Интеллектуал мулк кодекси"га бирлаштириш вақти келди. Ушбу ташаббус бевосита Ўзбекистон Президентига тегишли.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 — 2025 йилларда Ўзбекистонда интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони лойиҳаси эълон қилинди.

"Интеллектуал мулкни ривожлантириш соҳасида миллий стратегия" лойиҳасидан интеллектуал мулк, инновация ва бизнес, шу жумладан, ижодий соҳадаги бизнес билан шуғулланадиган давлат муассасаларининг самарадорлигини ошириш, ихтирочилар, тадқиқотчилар ва ижодкорларга инновацион ишланмаларни тан олиш, тижоратлаштириш ва ҳимоя қилиш имкониятини яратиш, инвестициявий муҳитни шакллантириш каби бир қанча вазифалар ўрин олган.

Умуман олганда, бугун дунё миқёсида нишонланаётган Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунини Ўзбекистонда ҳам кенг эътироф этиш учун етарлича асос бор. Бу борада амалга оширилган ислоҳотлар нафақат муаллифлик ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилади, балки барча соҳада янги ихтиролар, асарлар кашф қилиниши ҳамда изланишлар олиб борилишига асос яратади.

**Арофат УМАРОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази масъул ходими.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 31 726 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.05 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6